



ISSN
2181-1784
www.oriens.uz

ORIENTAL RENAISSANCE:
INNOVATIVE, EDUCATIONAL, NATURAL AND SOCIAL SCIENCES

ex Oriente lux

UCHINCHI RENESSANS:

*Ilm-fan va ta'lim
taraqqiyoti istiqbollari*

KONFERENSIYA SHO'BALARI

- ▣ *Aniq fanlar*
- ▣ *Tabiiy fanlar*
- ▣ *Texnika fanlari*
- ▣ *Pedagogika fanlari*
- ▣ *Ijtimoiy-gumanitar fanlari*
- ▣ *Falsafa fanlari*
- ▣ *Filologiya fanlari*
- ▣ *Iqtisod fanlari*

**№1
2021**

**“UCHINCHI RENESSANS: ILM-FAN VA TA’LIM
TARAQQIYOTI ISTIQBOLLARI”
mavzusidagi №1-sonli ko’p tarmoqli, ilmiy onlayn
konferensiya
(2-qism)**

“Uchinchi renessans: ilm-fan va ta’lim taraqqiyoti istiqbollari”. Ilmiy maqolalar to’plami. Uzbekistan: www.oriens.uz. 2021. -51 b.

ISSN 2181-1784

Ushbu ilmiy maqolalar to’plami Internet jahon axborot tarmog’idagi veb-sayt tarzidagi ommaviy axborot vositasi hisoblangan **“Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences”** ilmiy jurnalining Tahririyatiga tegishli bo’lib, bunda jahon ilm-fani va ta’lim sohalarining yutuqlari, muammolari va rivojlanish istiqbollari, xususan, O‘zbekistonda “Uchinchi renessans” davri innovatsion ilm-fan va ta’limning rivojlanish modellari, ilm-fan va ta’limning rivojlanish tarixi va o‘ziga xos rivojlanish bosqichlarini “Uchinchi renessans: ilm-fan va ta’lim taraqqiyoti istiqbollari” mavzusida 1-sonli ko’p tarmoqli, ilmiy onlayn konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

Mas’ul muharrir:
falsafa fanlari nomzodi, dotsent M. Qodirov

Taqrizchilar:
Risboev Abdurashit Sarboevich
Uzakov Gulom Norboevich
Abdullayev Ulug’bek Artikovich
Xolmo‘minov Ja’far Muhammadievich
Ro‘zmatova Gulnoza Mirahrarovna
Nurmatov Sirojiddin Sultanmurotovich
Xojaev Azizxon Saidaloxonovich

2021

TABLE OF CONTENTS / MUNDARIJA

NATURAL SCIENCES / TABIIY FANLAR

Хўжахонов Шохрузхон Идирисхўжа ўғли, Қўзибоева Ўғилбу Имомали қизи. // Ёш жўжалар колибактериозининг кимёпрофилактикасида энрофлоркс 10% нинг самарадорлиги.....	5
Б.К.Улуков, Қўзибоева Ўғилбу Имомали қизи. // Тухум йўналишидаги паррандаларда минераллар алмашинуви бузилишлари профилактикаси.....	11
Кенжаева Тўлғоний Раҳмоновна, Йўлдошев Мансуржон Узоқ ўғли. // Ўзбекистон жанубида патиссон (<i>cucurbita pepo var</i>) ўсимлигининг турли хил навларини етиштириши ва парваришлаши.....	16

ENGINEERING SCIENCES / TEXNIKA FANLARI

Толибов Б.И., Хасанов У.А. // Особенности грануляции шлаков жидкими охлаждающими агентами.....	23
Хасанов У.А., Мирзанова З. // Анализ теплообмена при грануляции шлаков.....	27
Ибрагимов Салоҳиддин Очилович, Сатимбаев Нурбек Уринбаевич. // Қурилиш ташиқлотларида инвестиция лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари.	31

PEDAGOGICAL SCIENCE / PEDAGOGIKA

Panjizoda Hurriyatxon Ziyod qizi Zoxiriy. <i>Inklyuziv ta'limning zamonaviy tendensiyalari.</i>	38
Adashboyev Nuriddin Mexriddin o'g'li. // O'zbekistonda yoshlar bandligiga e'tibor.....	41

PHILOLOGICAL SCIENCES / FILOLOGIYA FANLARI

Raisov Shamsiddin Rashid o'g'li. // <i>Easy ways to teach english to children....</i>	44
--	----

ECONOMIC SCIENCES / IQTISOD FANLARI

Adashboev Nuriddin Mexriddin o'g'li. // <i>Mehnat bozori rivojlanishiga xizmat qiluvchi zamonaviy infratuzilmalar.....</i>	48
---	----

NATURAL SCIENCES / TABIIY FANLAR

**ЁШ ЖЎЖАЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗИНИНГ
КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИДА ЭНРОФЛОКС 10% НИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

*Хўжахонов Шохрузхон Идирисхўжа ўгли
Самарқанд ветеринария медицинаси институти магистранти
Қўзибоева Ўғилбу Имомали қизи., докторант
Самарқанд ветеринария медицинаси институти Тошкент филиали*

Аннотация: Ушбу мақолада ёш жўжаларнинг колибактериоз касаллигини олдини олиш учун ўтказиладиган профилактик тадбирлар ва энрофлокс 10% нинг самарадорлигини аниқлашга оид тадқиқот натижалари баён қилинган.

Калит сўзлар: энрофлокс 10% , Флоникол-О, Е.соли, зоогигиена, клон, мутант, антиген, ферментатив, вирулентлик.

Аннотация: В статье описаны результаты исследования профилактических мероприятий по профилактике колибактериоза у молодняка цыплят и по определению эффективности энрофлокса 10%.

Аннотатион: This article describes the results of research on prophylactic measures to prevent colibacillosis in young chickens and to determine the effectiveness of enroflox 10%.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда ветеринария амалиётида паррандачилик хўжаликлари олдида қўйиладиган вазифаларни бажаришда юқумли ва инвазион касалликларнинг хавфсизлигини таъминлаш талаб этилади. Хусусан, колибактериоз касаллиги билан касалланган паррандалар ўртасида ўлим кўрсаткичи 75 % гача кузатилади. Шунинг учун паррандаларнинг колибактериоз касаллигини эпизоотологиясини, кечиш хусусиятларини ва ташхис усулларини ўрганиш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирги даврда Республикамизда мавжуд парранда бош сонининг кўп қисми фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларининг кичик товуқчилик фермаларидаги алмашинмайдиган тўшамалар (баъзан ер) шароитида сақланиб, бир вақтнинг ўзида улар орасида учровчи инвазион ва

айрим юқумли (пуллороз, колибактериоз каби) касалликлар учраб туриши оқибатида ёш ва ўсувчи (10-120 кунлик) жўжаларнинг нобуд бўлиши, озука сарфи ҳамда ветеринария харажатларининг ортиши, паррандаларни меъёра етилмаслиги туфайли келажакда фойдаланишга яроқсиз бўлиши эвазига фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўради [4]. Паррандачилик хўжаликларида антибиотиклар ва кимёвий препаратларнинг ветеринария соҳасида ишловчи мутахассислар томонидан кўплаб қўлланилиши туфайли, ушбу антибиотикларга нисбатан чидамли бўлган микроорганизмларнинг янги клон ва мутантлари пайдо бўлиб, уларнинг вирулентлиги, ферментатив ва антиген хусусиятлари, энг хавфлиси мунтазам равишда қўлланилган айрим доривор воситаларга чидамлилигининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай генетик ўзгарган патогенлар одамлар, ҳайвонлар ва паррандаларда касаллик чақириб, аниқ ташхис қўйиш ҳамда самарали даволашни қийинлаштирмоқда. Юқорида айтилган касалликлар паррандачилик тармоғига сезиларли даражада катта иқтисодий зарар олиб келтирувчи муаммолардан ҳисобланади [6]. Республикамизда паррандаларнинг юқори мақсулдор зотлари хорижий мамлакатлардан келтирилиб асралмоқда. Уларнинг зотлари мақсулдор бўлганлиги сабабли товукларни тўлиқ қийматли рационли яъни оқсилга бой, витаминли, минералли, микроэлементли озиқа қўшимчаларини бериб, зоогигиена талабларига тўлиғича риоя қилиб асралганда мўлжалдаги мақсулдорликка эришиш мумкин бўлади. Чунки уларнинг организмда моддалар алмашинуви интенсив кечганлиги сабабли тўлиқ рационли озиқа билан озиқлантириш мақсадга мувофиқдир. Товуклар саноат асосида боқилиб асралаётганда бош сонлари кўп бўлиб улар чекланган жойларда, сунъий ёруғликда тўшамалар устида ёки симли катакчаларда сақланилади. Инкубациядан очиб чиқаётган жўжалар бир кунлигидан бошлаб ҳар ҳафтада бир марта то 120 кунлигигача, яъни катта товуклар гуруҳига ўтгунига қадар профилактик эмлаш режаси асосида инфекцион касалликларга

қарши эмланади. Тайёр озиқалар техника ёрдамида механик мосламалар орқали тарқатилади [1]. Ўсувчи жўжаларнинг 60-120 кунлик даврида озиқа таркибидаги компонентларнинг камлиги ёки айримларининг миқдорини кўпайиб кетиши ҳамда баъзан умуман кўшилмай қолиши, электр энергиясидаги узилишлар, озиқанинг алмашиши, товукхона ҳароратининг ўзгариши, бегона одамларнинг ҳамда турли техникаларнинг товукхонага кириши, сифатли санация ўтказилмаганида ва бошқа шунга ўхшаш камчиликлар орқали улар орасида инфекцион, инвазион ва ички юқумсиз касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Улар орасида кўп тарқалиш хавфи бўлгани-колибактериоздир. Товуқларнинг кўпчилик касалликлари колибактериоз билан ассоциатив (аралаш) кечади. Оқибатда ёш ва ўсувчи жўжаларнинг ўлим ҳолати кўпаяди. Чунки, касаллик вақтида Е.соли-ичак таёқчалари ичак тизимида ривожланганлиги учун озуқа моддаларнинг сўрилишига тўсқинлик қилади ва сўрилиш жараёнларининг қийинлашуви ҳисобига, улар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади. Келажакда бундай паррандаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичи паст бўлади. Уларни даволаш учун сарф харажатлар миқдори ортиб хўжаликка иқтисодий зарар етказади. Шунинг учун ҳам бу касалликни ўрганиш, олдини олиш ва даволаш тадбирларини доимо такомиллаштириб, антибиотикларни қўзғатувчиларнинг сезгирлик даражасига мослаб қўллаб, унинг олдини олиш орқали товуқларнинг бош сонларини сақлаб қолиб, юқори маҳсулдорликка эришиш ветеринария хизматининг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади [5].

Тадқиқотнинг материал ва методлари. Тадқиқотлар жараёнидаги профилактика тадбирлари Фарғона вилояти Бешариқ тумани “ОТАБОЕВ ХУДОЙБЕРДИ” ХК фермер хўжалигида ўстирилаётган ёш жўжалар орасида ўтказилди.

Фойдаланилган антибиотиклар: - энрофлокс 10% – таркиби энрофлоксатсин, қўлланилиши- оғиз орқали сув билан бериш учун. 0,5 мл

препарат 1 литр сувда эритилиб, 5-7 кун давомида берилади. ПОЛША маҳсулоти.

- Флоникол-О – таркиби флорфеникол, қўлланилиши-оғиз орқали сув билан ичирилади. 1 мл препарат 1 литр сувда эритилиб, 5 кун давомида берилади. ЎЗБИОКОМБИНАТ маҳсулоти.

Хўжалик шароитида ушбу мавзуда ўтказиладиган илмий тадқиқот ишларини бажариш учун дастлаб «Лооман сенди» зотиغا мансуб 45 бош бир кунлик жўжалар олинди. Улар касаллик кўзгатувчиларини юктириш эҳтимолидан тоза жойларда ўстирилди ва 15 кунлигида 3 та гуруҳга бўлиб тирик вазнлари ўлчанди, улар орасидаги фарқ +/- 5 граммни ташкил этди. Тадқиқот гуруҳларидаги жўжалар хўжалик шароитида асралиб, биринчи гуруҳ жўжаларига 5 кун давомида энрофлокс 10% антибиотиғи 0,5 мл + 1 литр сувга аралаштирилиб берилди. Иккинчи гуруҳ жўжаларига эса 5 кун давомида Флоникол-О антибиотиғи 1 мл + 1 литр сувга аралаштирилиб берилди. Учунчи гуруҳ эса назорат гуруҳи.

Тахлил ва натижалар: Биринчи тажриба гуруҳига энрофлокс 10% антибиотиғи қўлланилганда жўжаларнинг сақланувчанлик даражаси 92,9 % ни, тирик вазнининг ўсиши эса 126,5 % ни ташкил қилди.

Иккинчи тажриба гуруҳига эса Флоникол-О антибиотиғи қўлланилганда жўжаларнинг сақланувчанлик даражаси 90,1 % ни, тирик вазнининг ўсиши эса 102,5 % ни ташкил қилди.

Учунчи назорат гуруҳидаги жўжаларнинг сақланувчанлик даражаси эса 28,3 % ни, тирик вазнининг ўсиши эса 60,5 % ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, биринчи тажриба гуруҳи паррандаларининг сақланувчанлик даражаси 92,9 % ни ташкил қилган бўлса, иккинчи тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 90,1 % ни ташкил этди ва учунчи тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 28,3 % ни ташкил этди.

Фарғона вилояти Бешариқ тумани “ОТАБОЕВ ХУДОЙБЕРДИ” ХК фермер хўжалигида колибактериозни кимёпрофилактикасида қўлланилган антибиотикларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Т / р	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси ва қўллаш услуби	Товуқхоналар рақами	Товуқлар бош сони	Сақланувчанлик (%) ҳисобида)
1	Тажриба	энрофлоркс 10%	0,5 мл-1 литр сув билан	1	10000	92,9 %
2	Тажриба	Флоникол-О	1 мл – 1литр сув билан	2	11000	90,1 %
3	Назорат	-	-	3	9000	28,3

Хулоса ва таклифлар. Паррандачилик хўжаликларида жўжаларни зоогиеник талабларга мос келадиган биноларда сақлаш, озиклантириш сифатини яхшилаш ва санитария талабларини бажариш колибактериоз касаллигини келиб чиқишини олдини олишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

- энрофлоркс 10% антибиотигини ишлаб чиқариш шароитида паррандаларнинг колибактериоз касаллигини профилактикасида қўллаганда жўжаларнинг сақланувчанлик даражаси мос равишда 92,9 % кўрсаткич қайд этилди,

-шунини такидлаш жоизки, энрофлоркс 10% антибиотиги жўжаларнинг сақланувчанлик даражасини оширибгина қолмасдан, уларнинг тирик вазини

ортиши, ва меъёрда ўсиб ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлигини инобатга олиб, ушбу муолажани паррандачилик хўжаликларида касалликнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Бакиров Б.Б., Рўзикулов Н.Б. ва бошқалар “Ҳайвонлар касалликлари” (маълумотнома) 2015 йил.
- Бозоров Х.К., А.Хўжамшукуров., Х.Эсонов. Товуқлар колибактериози ва пуллорозини даволаш ҳамда олдини олишда янги антибиотикларнинг самарадорлиги. Ж. — Зооветеринария №4. 2012 йил. 12-13 бет.
- Давлатов Р.Б., Ибрагимов Д. Жўжаларнинг эймериоз ва колибактериоз касалликларининг ассоциатив кечиши ва профилактика чора тадбирлари. СамМИ иқтидорли ёшларнинг илмий ишлар тўплами. Самарқанд 2006 йил.
- Давлатов Р.Б., Салимов Х.С., Хўджамшукуров А.Н. “Паррандалар касалликлари”, Ўқув қўлланма, Самарқанд-2018.
- Давлатов Р.Б., Насимов Ш.Н., Ниёзов Х.Б., Жабборов Ш.А., Хўджамшукуров Ш.А., Сафаров Х.А. “Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича ТАВСИЯЛАР” Тошкент 2019 йил.
- Салимов Х.С., Қамбаров А.А. “Эпизоотология”, Дарслик, Тошкент 2016 йил.

ТУХУМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ПАРРАНДАЛАРДА МИНЕРАЛЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Магистр: Б.К.Улуқов

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Кўзибоева Ўғилбу Имомали қизи., докторант

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Тошкент филиали

Аннотация. Ушбу мақолада паррандалар организмига минерал моддалар таъсири ва минерал моддалар алмашинуви бузилишларида келиб чиқадиган патологик ўзгаришлар тўғрисида қисқача баён қилинган.

Калит сўзлар: *товуқлар, патология, диагностика, минерал моддалар, рух, мис, кумуш, молибден, аномалия.*

Аннотация. В этой статье кратко описывается влияние минералов на организм птиц и патологические изменения, возникающие при нарушениях минерального обмена.

Summary. This article briefly describes the effects of minerals on the body of birds and the pathological changes that occur in disorders of mineral metabolism.

Мавзунинг долзарблиги. Ўрганилган адабиётлар таҳлили ҳамда ўтказилган кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, минерал моддалар паррандалар организми учун муҳим ҳаётий элементлар ҳисобланади. Минерал моддалар микроэлемент (рух, мис, кумуш, молибден) ва макроэлемент (натрий, кальций, калий, хлор, магний) гуруҳларига бўлинади. Минерал моддалар ҳар бири организмда ўзига хос вазифани бажаради. Ҳозирги кунда паррандачиликда сезиларли даражадаги иқтисодий зарар юқумли ва юқумсиз касалликлар ҳамда паррандаларни асраш ва озиклантириш билан боғлиқ камчиликлар оқибатида содир этилмоқда.

Қатор паррандачилик хўжаликларида минерал моддалар етишмовчилиги сабабли оғир асоратларни пайдо қилмоқда. Товуқлар орасида минерал моддалар етишмовчилигининг келиб чиқиши натижасида хўжалик иқтисодиётига сезиларли даражада зарар етказилиб, касалланиб соғайган товуқлар кечикиб тухумга киради ва маҳсулот бирлигига ҳаражат сарфи ортади.

Минерал моддалар етишмовчилиги билан касалланган паррандаларнинг резистентлик даражаси пасайиши натижада ҳар хил юқумли касалликларга тез берилувчан бўлиб қолади. Юқорида таъкидланганидек товукларнинг кўплаб ўлиши, ветеринария харажатларининг кўпайиши, маҳсулдорлик ва гўшт сифатининг пасайиб кетиши хўжаликка иқтисодий зиён келтирмоқда. Бундан ташқари паррандалардан олинган тухумлар юпқа пўчоқли ёки умуман пўчоқсиз туғилишлари учраб тухумларнинг истеъмол учун яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлмоқда. Бундай аномалия билан туғилган тухумлар узоқ сақлаш ва ташишга ҳам чидамсиз ҳисобланади [1,3].

Ҳозирги вақтда паррандачилик хўжалиklarининг олдига кўйиладиган вазифаларни бажаришда юқумли ва инвазион касалликлар сингари юқумсиз касалликлар, шунингдек минераллар алмашинуви бузилишлари ҳам тўсқинлик қилади. Шунинг учун паррандалар орасида минерал моддалар етишмовчилиги касалликларининг кечиш хусусиятлари ва ташхис усулларини ўрганиш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади [2,4]

Тадқиқотнинг материал ва методлари. Тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг “Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари” кафедрасининг илмий лабораторияси, Самарқанд вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги “Ҳасан бобо” МЧЖ фермер хўжалигига қаршли паррандачилик хўжаликлариди тухумга кирганига бир ой бўлган товукларда ўтказилди.

Ушбу касалликни профилактика қилиш мақсадида “Ҳасан бобо” МЧЖ фермер хўжалигида парвариш қилинаётган паррандалар орасидан 45 бош парранда тажриба учун ажратиб олинди ва 3 гуруҳга 15 бошдан қилиб бўлинди.

-Биринчи гуруҳга витамин ва минерал моддалар билан бойитилган “INTROVIT A+WS” (Голландия) 1 гр 4 л сув билан билан қўшиб (5 кунлик бериш ва 5 кунлик танаффус) берилди.

-Иккинчи гуруҳга САММІХ (Ўзбекистон) 10 гр+1 кг озуқа билан қўшиб (5 кунлик бериш ва 5 кунлик танаффус) берилди.

-Учунчи гуруҳ назорат гуруҳи сифатида олиниб, хўжалик рациониди боқилди.

Тадқиқотлар олиб борилган хўжалик шахсий хўжалик ҳисобланиб, унда 80 бош тухум йўналишидаги Ломан ЛСЛ классик кросси парвариш қилинмоқда. Паррандалар ерда сақланади. Озиқлантириш макка ва буғдой ёрмаси ҳисобланади.

Паррандачилик хўжаликлариди минерал моддалар алмашинуви бузилишларига дастлабки диагноз касалликнинг клиник белгиларига, паталогоанатомик ўзгаришларга ва якуний диагноз патматериалларни кузатув асосида текшириш натижаларига қараб қўйилди. Паррандаларда клиник текширувлар ҳар 20 кунда бир марта 30 кун давомида ўтказилади.

Олинган натижалар таҳлили. Тажрибадаги товукларнинг ўсиши ва ривожланиши, тухум маҳсулдорлиги таҳлил қилинганда 150 кунликда товуклар тана вазни ўртача 1350 граммни ташкил этди, бу меъёрий кўрсаткичлардан 250 граммга кам эканлигини кўрсатади. Товуклар тухум бериш даврининг иккинчи ойида текширилганда тухум бериш кўрсаткичи ўртача 85% ни, учинчи ойида 75% ва кейинчалик 65-55 % гача тушиб кетганлиги аниқланди. Олинаётган тухумларнинг 20 фоизи юпқа пўчоқли, 10 фоизи жуда майда, 5 фоизи меъёрдан катта эканлиги аниқланди. Товукларда минераллар алмашинуви бузилишларини олдини олиш учун профилактик воситаларни уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш асосида тажрибалар ўтказилди.

Тажрибадаги товуқларда минераллар алмашинуви бузилишларининг клиник белгилари тажрибаларнинг бошида (бир бирини чўқиши, патларини ейиши, юпка пўчоқли тухумлар, пўчоқсиз тухумлар, тож ва сирғаларнинг оқариши) 50-60 % товуқларда кузатилган бўлса, бу кўрсаткич тажрибаларнинг охирига келиб биринчи гуруҳда ўртача 5 % ни, иккинчи гуруҳда ўртача 10% ни, учинчи гуруҳда тажрибалар бошидаги клиник белгилар ва маҳсулдорлик даражаси сақланиб қолди. Тажрибаларни бошлашдан олдин уччала тажриба гуруҳида ҳам тухум маҳсулдорлиги ўртача 55 % ни ташкил этди. Биринчи тажриба гуруҳидаги паррандаларда маҳсулдорлик 55% дан 88,9 % га кўтарилиб ўсиш кўрсаткичи 33 % ни ташкил этди, иккинчи гуруҳ паррандаларида эса бу кўрсаткич 55 % дан 70,1 % га кўтарилиб ўсиш кўрсаткичи 15 % ни ташкил этди, учинчи назорат гуруҳида эса одатдаги рацион асосида озиклантирилганда аввалги кўрсаткич ўзгаришсиз қолди.

Товуқларда минерал модда алмашинуви бузилишлари профилактикасида қўлланилган витамин ва минерал моддаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

№	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси ва қўллаш услуби	Маҳсулдорлик (% ҳисобида)
1.	Тажриба	INTROVIT A+WS	1 гр 4 л сув билан	88,9 %
2.	Тажриба	SAMMIX	10 гр 1 кг озуқа билан	70,1 %
3.	Нazorат	-	-	55 %

Парранда организмнинг ривожланишдан қолиши ва маҳсулотларининг сифатсиз ҳолатга келишига асосий сабаб бўлиб рационнинг тўла қийматли эмаслиги ҳисобланади. Бу ҳолатларнинг кузатилмаслигини олдини олиш учун паррандаларни маҳсулдорлиги ва ёшига монанд равишда тўла қийматли ва

баланслашган витамин ва минерал моддалар билан бойитилган рацион асосида озиклантирилишини таъминлаш талаб этилади.

Хулосалар.

1. Тухум йўналишидаги Ломанн-ЛСЛ кроссларида минерал модда алмашинуви бузилишлари уларда тана вазнининг камайиши, тухум маҳсулдорлигининг 20-30 % гача камайиши, юпка пўчоқли ва шакли ўзгарган тухумлар туғилиши, товуклар бир-бирин чўқиши каби белгилар билан характерланади.

2. Товукларда минераллар алмашинуви бузилишларини профилактика қилиш мақсадида рационга INTROVIT A+WS препаратидан 1 гр 4 л сув билан берилиши уларда минерал модда алмашинувини яхшилади, тухум маҳсулдорлигини 85 % гача оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлатов Р.Б., Х.С.Салимов, А.Н.Худжамшукуров. “Парранда касалликлари” ўқув қўлланма Самарқанд-2018.150-158 б.

2. Давлатов Р.Б., Ш.Н.Насимов, Х.Б.Ниёзов, Ш.А.Жабборов Ш.А.Худжамшукуров, Х.А.Сафаров. “Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича тавсиялар” Тошкент-2019. 21-26 б.

3. Бессарабов Б.Ф. Незаразные болезни птиц. – М.: Колос. 2007. -175 с.

4. Норбоев Қ.Н., У.А.Рахмонов., С.Б.Эшбуриев. Тухум йўналишидаги товуклар гиповитаминозларининг этиологияси ва профилактикаси бўйича ТАВСИЯЛАР. Самарқанд. 2019. 23 б.

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ПАТИССОН (CUCURBITA PEPO VAR)
ЎСИМЛИГИНИНГ ТУРЛИ ХИЛ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА
ПАРВАРИШЛАШ.**

Кенжаева Тўлғоной Раҳмоновна

Kenjayeva67@mail.ru

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали,

Йўлдошев Мансуржон Узоқ ўғли

mansurjonyuldoshev10@gmail.com

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

Аннотация: Экиш муддатларини аниқлаш учун патиссон нав намуналари плёнкали қопламалар остида ва очик майдонларда экиб ўрганилади. Плёнкали қопламалар остида экиш учун уруғлар феврал ойининг биринчи ўн кунлигида экилади ва кўчатлар плёнка остига март ойининг биринчи ўн кунлигида кўчириб ўказилади. Очик далаларга экиш учун уруғлар март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига сепилади ва кўчатлар апрел ойининг биринчи ўн кунлигида очик далага ўтказилади. Баҳорги муддатда патиссон ўсимлиги Доспехов усулида экилади. Патиссон жуда иссиқни севадиган ўсимлик. Сувга талабчан. Айниқса гуллаб бошлаган даврида етарли равишда суғориш талаб этилади. Суғориш қанчалик меъорда бўлса, патиссончалар серсув этли бўлади. Патиссон инсон ва ҳайвон организми учун керакли бўлган дармондориларга бой сабзавот экини ҳисобланади. Патиссонни плёнка остида етиштириш ҳосил самарадорлигини оширади. Кўчатларни 2 ҳафта олдин экилишига сабаб бўлади. Патиссон нав намуналарини экиш муддатларини аниқлаш жуда муҳим. Патиссон оддий қаттиқ пўчоқли қовоқ турларидан ҳисобланиб ,ватани Жанубий ҳамда Марказий Америкадир. Патиссон қулай шароитда етиштирилганда жадал ўсади. 4-8 барг чиқарганда ён новдалари пайдо бўлади. Кўчати униб чиққандан 30-60 кундан кейин гуллаши бошланади. Физиологик етилиши учун 100-120 кун керак бўлади. Мева тугиш даври навига қараб 20-90 кун давом этади. Патиссон уруғи 13-14 градусда униб чиқа бошлайди. Бирок бундай шароитда кўчатнинг ўсиши жуда секин кетади. Уруғ униб чиқиши учун

кулай шароит 25-30 градус. Патиссонни 5 см чукурликдаги тупроқ 13-15 градус исиганда эка бошласа бўлади. Ҳосили кўп марта йиғиб олишга мўлжалланган. Патиссон кенг қаторга лентали икки йўлли қилиб, суғориш жўяги кенг қатор оралиғидан олиниб 110+70 x40 см тортиб бўйига ҳар бир уяга ики ниҳолни жойлаштириб экилади.

Аннотация: Для определения сроков посадки исследуют образцы сорта патиссон путем посадки под пленочные покрытия и на открытых площадках. Семена для посева под пленочное покрытие высевают в первой декаде февраля, а рассаду под пленку пересаживают в первой декаде марта. Для посева в открытые поля семена под пленку высевают в первой декаде марта, а рассаду пересаживают в открытый грунт в первой декаде апреля. Весной кабачок высаживают по способу Доспехова. Патиссон - очень теплолюбивое растение. Требовательна к воде. Требуется адекватный полив, особенно в период цветения. Чем умереннее полив, тем сочнее будут патиссоны. Патиссон - овощная культура, богатая питательными веществами, необходимыми для организма человека и животных. Выращивание патиссона под пленкой повышает урожайность. Вызывает высадку рассады на 2 недели раньше. Очень важно определить сроки посадки экземпляров сорта Патиссон. Патиссон - это простой кабачок с твердой оболочкой, произрастающий в Южной и Центральной Америке. Патиссон быстро растет при выращивании в благоприятных условиях. При появлении 4-8 листьев появляются боковые ответвления, всходы начинают цвести через 30-60 дней после всходов, физиологическое созревание составляет 100-120 дней. Период плодоношения в зависимости от навигации составляет 20-90 дней, семена патиссона начинают прорасти при 13-14 градусах, но в таких условиях рост всходов очень медленный. Благоприятные условия для прорастания семян - 25-30 градусов. Высевать патиссон можно при прогревании почвы на глубине 5 см до 13-15 градусов. Урожай рассчитан на многократный сбор урожая. Патиссон

высаживают широким рядом с двумя рядами лент, поливную борозду берут с широкого междурядья размером 110 + 70x40 см и в каждое гнездо по длине помещают по два саженца.

Annotation: To determine the timing of planting, samples of the patisson variety are examined by planting under film coatings and in open areas. Seeds for sowing under a film cover are sown in the first decade of February, and seedlings under a film are transplanted in the first decade of March. For sowing in open fields, seeds are sown under the film in the first decade of March, and the seedlings are transplanted into open ground in the first decade of April. In the spring, zucchini is planted according to the Dospekhov method. Patisson is a very thermophilic plant. Demanding on water. Adequate watering is required, especially during the flowering period. The more moderate the watering, the juicier the squash will be. Patisson is a vegetable crop rich in nutrients necessary for the human and animal body. Growing squash under a film increases yields. Causes planting of seedlings 2 weeks earlier. It is very important to determine the timing of planting copies of the Patisson variety. Patisson is a simple, hard-shelled squash native to South and Central America. Squash grows quickly when grown under favorable conditions. When 4-8 leaves appear, lateral branches appear, seedlings begin to bloom 30-60 days after germination, physiological maturation is 100-120 days. The fruiting period, depending on the navigation, is 20-90 days, the seeds of the squash begin to germinate at 13-14 degrees, but under such conditions the growth of seedlings is very slow. Favorable conditions for seed germination - 25-30 degrees. Sowing squash can be done when the soil warms up at a depth of 5 cm to 13-15 degrees. The harvest is designed for multiple harvesting. Patisson is planted wide next to two rows of ribbons, an irrigation furrow is taken from a wide row spacing of 110 + 70x40 cm in size and two seedlings are placed in each nest along the length.

Калит сўз. Патиссон. Истикбол. Натижа. Самарадорлик. Плёнка.

Ключевое слово. Патиссон. Будущее. Результат. Эффективность. Плёнка.

Keyword. Squash. Future. Result. Efficiency. Movie.

Ўзбекистонда Патиссон турлари жуда кам. Бутунроссия сабзаёт экинлари селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот Институтда яратилган патиссоннинг “Белый-13” нави 1988-йилда раёнлаштирилган. Сабзаёт қовоқчаларини бир ерда сурункасига 2 йил экиш мумкин. Сабзаёт қовоқчасини Ватанимиз селекциясига мансуб бўлган.

“Греческий-110” нави 1950-йилда раёнлаштирилган. Ўзбекистонда сабзаётчилик, оолизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот Институтининг Самарқанд таянчи илмий изланишлари сабзаёт қовоқчасининг “Белоплоднқе”, “Длинноплоднқе”

Навлари ва биринчи авлод “Сувенир-Ф1” дурагайи истиқболли эканлигини тасдиқлади. Бу навлар тезоишарлиги, уншудринг касаллигига чидамлилиги, серҳосиллиги ва меваси таркибида куруқ модда ва қанднинг кўолиги ҳамда қайта ишлашга яроқлилиги билан бошқа навлардан устун туради.[1] Сабзаёт қовоқчалари илдиз тизими туороқнининг юза қатламига жойлашган.

Патиссоннинг оқ, яшил, сариқ рангли турлари бор.

1. Оқ рангли патиссонлар анча оммалашган. 450 грамм келади, меваси сувли.
2. Каравай-ертаоишар нав. 300 гр келади. Бир туодан 25 тагача мева олиш мумкин.
3. Зонтик- тез оишар, 1 кг дан 1,5 кг гача бўлади.
4. Диск -жуда эрта оишар нав. Бу патиссоннинг меваси оқ-ялтироқ оғирлиги 350 гр, Суп ва салатлар тайёрлаш учун қулай. Таъми бодринг ва кабачкиникига ўхшаш бўлади.
5. Пятачок-ерта оишар нави бўлиб, оғирлиги 300 гр келади.
6. Чебурашка-жуда тез оишар, бошқаларига нисбатан тезроқ териб олинади. Уруғ экилгандан кейин 35-40 кунда териб олинади. Совуқ

температурага чидамли, 200-400 гр келади. Нафис, силлик, сувли мева ҳосил қилади.

7. Родео-серҳосил, тез пишар нав. Бўйи пастроқ бўлиши билан бошқалардан фарқ қилади. Жуда фойдали, жуда ширин тахмли, серсув, ялтироқ рангли мева ҳосил қилади.

Сариқ ва сабзи ранг сариқ рангли патиссонлар

Очиқ сариқ рангли баҳзан қовоққа ўхшаб кетади. Унча катта бўлмаган 200-300 гр мева бўлади. Эрта пишар навида витамин А мавжуд. Ширин ва фойдали.

Сариқ рангли патиссонлар

1. Солнышко– серҳосил, ўртапишар нав. Унча катта бўлмаган 200-300 гр мева ҳосил қилади. Дастлабки ҳосили оч-сариқ кейингиси тўқ сариқ бўлади.
2. Оранжевый НЛО-серҳосил, тез пишар нав. Энг муҳими ҳар қандай иқлим шароитига мослашади. Меваси 300 грдан камроқ келади. Ичи сариқ рангда. Таркибида Mg, Fe, витаминлар А ва С мавжуд.
3. Фуете-ертапишар нав. Меваси 300 гр. Патиссонлар оқсилга бойлиги билан ажралиб туради. Яна бир муҳим белгиси – теримдан кейин ҳам узоқ сақланади.

Яшил рангли патиссонлар

1. Чунга-чанга- серҳосил, тез пишар нав. Оғирлиги 500-700 гр гача серет, серсув мева ҳосил қилади.
2. Гоша-нимага бу ном билан номлангани аниқ эмас, лекин жуда фойдаланиладиган навдир. Мевалари чиройли, сер эт, тўқ рангда бўлиши билан ажралиб туради. Ҳатто қора бўлиб кўринади. Оқсилга бой жуда фойдали, ҳиди ёқимли.

Патиссонларни парваришlash

Патиссон уруғи баҳорда экилади. Мўл ҳосил олиш учун кўчати тайёрланади. Бунда яхши етилган, йирик уруғлар танлангани маҳкул. Ҳар уяга 2-3 дона уруғ ташланади, экиш чуқурлиги оғир тупроқларда 4-5 см, енгил тупроқли ерларда 5-6 см бўлади. Экин ҳамда қатор оралиғи 70 см дан қолдирилади. Кўчатни экишдан олдин ҳар бир чуқурчага гўнг, кул, суперфосфат солиб тупроқ билан яхшилаб аралаштирилади. Ҳар бир чуқурчага экишдан кейин алоҳида-алоҳида сув қуйилади. Тутмаган кўчатлар ўрнига бошқа бақувватроғи экилади. Парваришlash асосан ерни вақти-вақти билан юмшатиб туриш, бегона ўтларни йўқотиш, дастлабки чинбарг чиқарган ниҳолларни ягана қилиш эҳтиёжига қараб суғоришдан иборат. Кеч баҳорда ва ёзда экилган уруғларни тўлиқ униб чиқиши учун улар экилган куни суғорилади. Баҳорда барвақтроқ экилган уруғлар ернинг табиий намлиги ҳисобига униб чиқиб, ниҳоллар ҳосил қилади. Баҳорда экилган патиссончаларни парваришlash шу даврда ҳосил бўлган қатқалокқа қарши курашдан бошланиб у ротацион мотиға ёрдамида бажарилади. Уруғлар униб чиққанидан кейин биринчи ягона ўтказилиб, ҳар уяда 2-3 та ўсимлик қолдирилади. Ниҳоллар ҳосил бўлмаган уяларга ундирилган уруғлар экилади. Ўсимликларда 2-3 дона чинбарг ҳосил бўлганида ниҳоллардан 12-13 см кенгликда ҳимоя майдони қолдирилиб, 8-10 см чуқурликда 1-марта культивация қилинади. Бу иш кулҳтиваторга бир томонламали ясси кескич ва “ғозпанжа” ўрнатилиб бажарилади. Культивация қилингандан сўнг 1-чопиқ қилиниб, қатордаги ўсимликлар ораси юмшатилади ва ўсимлик бағрига тупроқ босилади. Биринчи чопиқ қилиш вақтида иккинчи марта ягана қилинади, агар у қаторлаб экилган булса ҳар уяда биттадан, уялаб экилган майдонларда эса икки донадан (туп) ўсимлик қолдирилади.[2] Ниҳолларда 3-4 дона чинбарг ҳосил бўлганда ўсимликлар атрофидан 15-20 см ҳимоя майдони қолдирилиб, 10-12 см чуқурликда 2- марта культивация қилиниб, чопиқ қилинади. Ўсимлик илдиз

тизимини тупроқнинг юза қатламига тарқалганлигинин эътиборга олиб, 2 чи чопиқ юза ўтказилиши тавсия этилади. Иккинчи культивация ўтказилиши дан олдин биринчи ўсув даври суви берилади. Патиссонни суғоришда илдиз тизимининг яхши ривожланмаганлиги ни ҳисобга олинади. Шу сабабли, тупроқдан сувни қийинчилик билан олади, барг сатҳи катта бўлганлиги учун уни кўп буғлатади. Шунинг учун улар сувга кўп талабчандир. Патиссончалар эрта ёзда ҳосилга кириб, тез пишар серҳосил экин сифатида қимматлидир Меваси ясси думалоқ тақсимча кўринишида, оқ ёки сариқ, тасвирсиз ёки яшил ва доғ тасвирли, уруғи сариқ тусли бўлиб , қовоқчаникидан кичик. Минг донасининг массаси 65-85 гр келади.[3]

Адабиётлар рўйхати .

1. <https://ru>. Тыква обыкновенная
2. Ҳ.Бўриев, В.Зуев, О.Қодирхўжаев, М.Мухамедов
Очиқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари. Тошкент-2002.
3. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
208-215 бетлар.
4. В.Зуев, А.Абдуллаев Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси Ўзбекистон нашриёти -1997 йил 157-166 бетлар.

ENGINEERING SCIENCES / TEXNIKA FANLARI
**ОСОБЕННОСТИ ГРАНУЛЯЦИИ ШЛАКОВ ЖИДКИМИ
ОХЛАЖДАЮЩИМИ АГЕНТАМИ**

Толибов Б.И.
intelekt_16@mail.ru

Навоийский государственный горный институт

Хасанов У.А.

АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Аннотация. Грануляция шлака - процесс превращения жидкого шлака в твердые зерна (гранулы) путем раздробления и быстрого охлаждения водой, воздухом или водо-воздушной смесью. Резкое охлаждение шлака прекращает или заметно предотвращает его кристаллизацию. Шлак приобретает аморфную (стекловидную) неустойчивую структуру. Чем ниже кристаллизационная способность шлака (находящаяся в прямой зависимости от степени основности шлака), тем больше стекловидной фазы образуется при грануляции.

Ключевые слова: грануляция, шлаки, гранула, закалка, массоотдача, теплоотдача, турбулентный слой, теплопроводность, вязкость.

При грануляции шлаков жидкими охлаждающими агентами происходит их дробление как за счет механического разрушения струи охлаждающим агентом, так и за счет разрушения частиц термическими напряжениями при быстром и неравномерном охлаждении (закалке). Комплекс остаточных термических напряжений, сохраняющийся при последующем быстром охлаждении, делает их впоследствии легко измельчаемыми.

На результаты грануляции влияют как свойства самого шлака (температура, теплопроводность, вязкость), так и аналогичные свойства самого агента, а также их межфазное взаимодействие.

Проводился теоретический анализ дробления шлаков охлаждающим агентом.

Исходя из существующих теоретических положений, надо иметь в виду следующее: при движении жидкости вдоль полубесконечной поверхности

образуется либо приповерхностный ламинарный пограничный слой, либо ламинарный и турбулентный слой. Схема образования этих слоёв приведена на рис. 1 в координатах X (расстояние по длине от начала поверхности) и Y (расстояние от поверхности).




Рис. 1. Поверхностные слои на поверхности раздела: v – скорость жидкости; $x_{кр}$ – критическое расстояние начала образования турбулентного слоя.

При малых скоростях турбулентный слой может не образоваться.

При контакте жидкого шлака с охлаждающим низкотемпературным агентом на его поверхности образуется твердая корка, поэтому для анализа могут использоваться известные гидродинамические и теплофизические закономерности, присущие потоку жидкости у твердой поверхности.

Если не учитывать теплотехнический аспект дробления жидкого шлака при контакте с охлаждающим агентом, то эффективность дробления увеличивается в случаях:

- увеличения скорости охлаждающего агента по отношению к поверхности шлака, начиная с точки контакта;
- увеличения площади контакта между шлаком и охлаждающим агентом;

– увеличения механического сцепления между шлаком и охлаждающим агентом.

Механическое сцепление, приводящее к разрыву струи, достигает максимума на начальных участках контакта, т.е. при малой толщине турбулентного и ламинарного слоёв, поскольку доля сцепления между охлаждающим агентом и шлаком падает в связи с ростом толщины турбулентного слоя, а энергия расходуется на турбулизацию.

В дроблении шлака охлаждающим агентом очень важную роль имеет теплообмен между ними, поскольку напряжения при быстром охлаждении приводят к разрыву целостности и самоизмельчению. Остаточные напряжения и микротрещины вызывают рост измельчаемости.

Теплообмен между охлаждающим агентом и шлаком осуществляется через тонкую корку твердого шлака. Для оценки теплообмена применимы закономерности конвективной массо- и теплоотдачи для жидкости и твёрдой поверхности. Эти закономерности базируются на понятиях теплового и диффузивного пограничного слоёв.

Литература:

1. Хасанов А.С., Толибов Б.И., Сирожов Т.Т., Ахмедов М.С. Новые направления по созданию технологию грануляции шлаков медного производства // Евразийский союз ученых #2 (71), 2020. –С49-55. DOI: DOI: 10.31618/ESU.2413-9335.2020.4.71.600
2. Б.И.Толибов, А.С.Хасанов, М.Н.Нурмуродов, Т.Т.Сирожов. Переработка медных шлаков с извлечением цветных и чёрных металлов // Материалы научно-технической конференции 8-9 апреля 2016 года, г. Карши
3. А.А.Юсупходжаев, А.С.Хасанов, Б.И.Толибов, Б.Т.Бердияров. Твердофазное восстановление железа из рафинированных шлаков // Материалы республиканской научно-технической конференции «Горно-

металлургический комплекс: достижения, проблемы и перспективы
инновационного развития», - Навои. 15-16 ноября 2016 года. –С102

АНАЛИЗ ТЕПЛООБМЕНА ПРИ ГРАНУЛЯЦИИ ШЛАКОВ

Хасанов У.А.

intelekt16@gmail.com

АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Мирзанова З.

АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Аннотация. На этом тезисе рассматривается неограниченный стационарный поток жидкости ламинарного типа вдоль плоской твердой поверхности и анализирован процессы теплообмена при грануляции шлаков.

Ключевые слова: теплообмен, стационарный поток, пограничный слой, температуропроводность, критерия Прандтля, теплоотдача.

Начальная температура жидкости одинакова по объёму и составляет T_0 (температура невозмущённого потока). Температура на твердой поверхности постоянна и равна T_w . Вследствие теплообмена между слоями жидкости, расположенными вблизи от поверхности, и этой поверхностью, температура этих слоёв изменится. Жидкость на твёрдой поверхности имеет температуру T_w (это условие эквивалентно условию прилипания в механике вязкой жидкости). На расстоянии δ от твердой поверхности температура жидкости меняется от T_w поверхности до T_0 (температуры невозмущенного потока).

Расстояние δ представляет собой толщину теплового пограничного слоя. По мере удаления от передней кромки твёрдой поверхности толщина теплового пограничного слоя возрастает в связи с ростом влияния поверхности пластины (охлаждающего или нагревающего) вследствие теплопроводности.

Тепловой пограничный слой характеризуется тем, что в пределах его толщины имеет место градиент температуры и перенос тепла поперечного потока вследствие молекулярной теплопроводности.

Соотношение между толщиной гидродинамического и теплового пограничного слоёв зависит от соотношения коэффициентов вязкости и температуропроводности, т.е. критерия Прандтля:

$$\text{Pr} = \nu / a. \quad (4.7.20)$$

С ростом критерия Прандтля толщина гидродинамического пограничного слоя увеличивается по отношению к тепловому. Критерий Прандтля является физическим параметром жидкости или газа, для газов он практически не зависит от температуры и давления, для жидкостей значительно зависит от температуры.

Формула Прандтля для плотности турбулентного теплового потока имеет вид

$$q_{yT} = -\rho C_p l_u l_T \frac{\partial \bar{u}}{\partial y} \frac{\partial \bar{T}}{\partial y}, \quad (4.7.25)$$

где l_u , l_T – путь смешения для переноса импульса и температуры. С достаточной степенью точности можно считать, что $\delta_T / \delta = \text{Pr}^{-1/3}$, т.е. соотношение между толщиной теплового и гидродинамического слоёв определяется критерием Прандтля. Поскольку изменение толщины гидродинамического пограничного слоя известно, выражение для толщины теплового неограниченного слоя от границы твёрдой поверхности имеет вид

$$\delta_T = 4,64x \text{Re}_x^{0,5} \text{Pr}^{-1/3}. \quad (4.7.26)$$

Формулы для коэффициента теплоотдачи имеют вид

$$\alpha = \frac{\lambda}{\Delta T} \left(\frac{\partial T}{\partial y} \right)_{y=0} = \frac{3}{2} \frac{\Delta T}{\delta_T} = \frac{3}{2} \frac{\lambda}{\delta_T}, \quad (4.7.27)$$

т.е. коэффициент теплоотдачи обратно пропорционален толщине теплового пограничного слоя. Изменение коэффициента теплоотдачи по длине твёрдой поверхности описывается формулой

$$\alpha = 0,332 \frac{\lambda}{x} \text{Re}_x^{0,5} \text{Pr}^{1/3} = C / \sqrt{x}. \quad (4.7.28)$$

Такой характер изменения коэффициента теплоотдачи связан с ростом толщины теплового пограничного слоя и снижением величины температурного напора.

Все сделанные здесь выводы справедливы для условия $\delta_m/\delta \leq 1$ или $Pr \geq 1$. Это условие справедливо для газов и неэлектропроводных или малоэлектропроводных жидкостей. Для металлов в жидком виде $Pr \ll 1$, поэтому все сказанное выше для жидких металлов неприменимо.

Основным выводом из проведенного анализа является формулировка условий эффективного, гидродинамического и теплофизического дробления шлаков:

– дробление шлаков должно осуществляться охлаждающими агентами с высокой смачиваемостью ими поверхности шлака и высоким коэффициентом теплоотдачи, мало зависящим от температуры, а контакт между шлаковой струёй и струёй охлаждающего агента - происходить на минимальном участке, т.е. увеличение длины контактирующей поверхности ухудшает качество дробления.

Литература:

1. A.S.Hasanov, V.I.Tolibov, N.A.Akhatov. Modernization of copper manufacturing technology // International conference. Technical sciences: modern issues and development prospects. -Sheffield, UK 2013, – P106-107.
2. Хасанов А.С., Толибов Б.И., Сирожов Т.Т., Ахмедов М.С. Новые направления по созданию технологию грануляции шлаков медного производства // Евразийский союз ученых #2 (71), 2020. –С49-55. DOI: DOI: 10.31618/ESU.2413-9335.2020.4.71.600
3. Б.И.Толибов, А.С.Хасанов, М.Н.Нурмуродов, Т.Т.Сирожов. Переработка медных шлаков с извлечением цветных и чёрных металлов // Материалы научно-технической конференции 8-9 апреля 2016 года, г. Карши

-
4. A.A.Юсупходжаев, А.С.Хасанов, Б.И.Толибов, Б.Т.Бердияров. Твердофазное восстановление железа из рафинированных шлаков // Материалы республиканской научно-технической конференции «Горно-металлургический комплекс: достижения, проблемы и перспективы инновационного развития», - Навои. 15-16 ноября 2016 года. –С102
 5. Азимов О.А. Перспективы повышения эффективности работы измельчительного комплекса в замкнутом цикле с использованием магнитно-импульсной обработки // Горный информационно-аналитический бюллетень. Отдельные статьи. – 2009. – №11. – С. 9–14.
 6. Shodiyev A.N., Hasanov A.S., Azimov O.A. Research of technology for extraction of rare and noble metals from reset cues and sludge field solutions // Евразийский Союз Ученых (ЕСУ) 75 (3), 13-18

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

ТАҚИ катта ўқитувчилари Ибрагимов Салоҳиддин Очилов

Каримов Иномжон Ортиқбоевич

ТАҚИ магистранти Сатимбаев Нурбек Уринбаевич

Boyfame00@mail.ru

Аннотация: Инвестиция лойиҳаларини самарадорлигиг таъсир этувчи кўрсаткичлар келтирилган ва бундан ташқари ижтимоий-иқтисодий баҳолаш бўйича таклифлар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация: Представлены показатели, влияющие на эффективность инвестиционных проектов, а также предложения по социально-экономической оценке.

Аннотация: Indicators that affect the effectiveness of investment projects are presented, and in addition, proposals for socio-economic evaluation are presented.

Калит сўзлар: самара, самарадорлик, баҳолаш, инвестицион лойиҳалар, қурилиш, капитал, лойиҳа.

Ключевые слова: эффект, эффективность, оценка, инвестиционные проекты, строительство, капитал, проект.

Key words: effect, efficiency, evaluation, investment projects, the construction of the capital project.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш давлат, ташкилотлар ва корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири булиб ҳисобланади. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг моҳияти - ҳар бир бирликда моддий, меҳнат ва молиявий харажат эвазига кўпроқ ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар, фойда ва миллий даромадга эришишдан иборат.

Энг аввало "самарадорлик" ва "самара" тушунчаларининг моҳияти устида тухталиб утишимиз лозим. Иқтисодий самара дейилганида, ишлаб чиқариш ҳажмини, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий даромадни кўпайтириш ёки бошланғич ва жорий харажатларни камайтириш тушунилади. Ижтимоий самара халқ фаровонлигини ошириш, таълим даражасини ўстириш, бўш вақтни кўпайтириш ва бошқаларда намоён бўлади.

Самарадорлик (иқтисодий ва ижтимоий) иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг унга эришишга сарфланган харажатларга нисбатидир. Буни куйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

Иқтисодий самара (натижа) самарадорлик унга эришишга сарфланган харажатлар ёки қўлланилаётган ресурслар

Ижтимоий ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мезони бўлиб ишлаб чиқариш харажатлари ёки ишлаб чиқаришда қўлланилган ресурсларга нисбатан миллий даромадни максимал купайтириш ҳисобланади.

Капитал қуйилмалар самарадорлиги муаммоси доимо долзарб бўлган ва унга нафақат фанда, балки амалиётда ҳам катта эътибор берилган.

Хозирги кунда инвестиция лойиҳаларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаш ҳар қандай иқтисодчилар учун муҳим маҳоратдир. Шу билан бирга, лойиҳанинг молиявий жозибadorлиги ҳақида хулосалар чиқариш мумкин бўлган кўрсаткичларни тўғри ҳисоблаш эмас, балки тўғри талқин қилиш муҳим ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларни таҳлил қилиш усуллари статистик ва динамик бўлиниши мумкин. Статистик усуллар вақт омилини ҳисобга олмайди, яъни, пул оқимларини дисконтлашни амалга оширмайди, динамик усул эса вақт давомида пул оқимларининг ўзгаришини ҳисобга олади. Динамик моделлардан фойдаланганда инвестиция лойиҳаси куйидаги шаклда тақдим этиш мумкин.

$$IP = \{IC, CF_1, CF_2, \dots, CF_n, n, r\},$$

бу ерда IC –бошланғич инвестиция (пул оқими), boshlang'ich investitsiya (pul oqimi), CF_n – маълум даврда қабул қилиш, n-асосий даврлар сони, r –пул оқимининг элементлари бир вақтга тўғри келадиган дисконтлаш ставкаси.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш услубиятлари инвестицион лойиҳалар таҳлилининг сифатли тавсифини таъминлайди. Улар инвестицион лойиҳанинг жозибadorлигини аниқлаш учун, унинг барча кўрсаткичлари нисбатини таъминлайди: капитал қуйилмалар (соф

инвестиционлар), лойиҳа пул оқими, ҳаётий цикли ва ликвидациявий қиймати. Молиявий-иқтисодий таҳлилда самарадорликнинг қуйидаги турларини кўриб чиқиш қабул қилинган:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги. Унинг мақсади – мумкин бўлган иштирокчилар учун лойиҳа жозибадорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш;

- лойиҳада иштирок этиш самарадорлиги. Унинг мақсади эса лойиҳани амалга оширилиш имкониятларини ва барча иштирокчиларнинг манфаатдорлигини аниқлашдир. Қурилишнинг ўзига хослиги, яъни тармоқнинг ижтимоий аҳамияти ва ундаги давлат иштироки туфайли, иқтисодий самарадорликнинг биринчи тури принципаал аҳамиятга эга. Лойиҳанинг умумий самарадорлиги лойиҳанинг жамият (ижтимоий-иқтисодий) ва тижорат самарадорлигини ўз ичига олади. Тижорат самарадорлигини аниқлашда инвестицион менежмент асос ҳисобланади. Унинг доирасида, инвестицион лойиҳаларни танлаш жараёнини соддалаштирувчи янги компьютер дастурларининг доимий ишланмалари олиб борилади. Инвестицион лойиҳаларнинг тижорат самарадорлиги кўрсаткичлари Ўзбекистоннинг инвестицион фаолият амалиётида кенг тарқалган. Уларга молиявий-иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ва кенг тарқалган қуйидаги кўрсаткичлар киради:[1]

- Соф даромад (СД, Net Value, NV);
- Соф дисконтланган даромад (СДД, интеграциялашган самара, Net present value, NPV);
- Даромадлиликнинг ички меъёри (ДИМ, дисконтнинг ички меъёри, рентабелликнинг ички меъёри, Internal Rate of Return, IRR);
- Оддий қопланиш даври (PP ёки N);
- Фойдалилик индекси (profitability index);
- Қопланишнинг дисконтланган даври (DN).


Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини асосий кўрсаткичи сифатида, соф келтирилган қиймат қаралади. Соф жорий қиймат кўрсаткичи қўйилма, келажакдаги даромадлар ва дисконтланган нархлардаги ликвидациявий қиймат ўртасидаги пул маблағлари оқими бўйича мувозанат ўрнатади. У таҳлилчига ушбу суммаларнинг соф баланси қулайлигини аниқлаш имконини беради. Таққослаш кўрсаткичи сифатида самарадорликнинг мазкур коэффиценти инвестициявий ўз ҳаётий цикли давомида ҳисоб-китобларда қўлланилган даромадлилик даражасига етиши ёки етишмаслигини кўрсатади. Жорий қиймат ҳам вақтга, ҳам мумкин бўлган даромадлиликга боғлиқ экан, мусбат соф жорий қиймат мазкур инвестиционлар томонидан чақирилган пул оқими ўз иқтисодий ҳаёти давомида:

- бирламчи капитал қўйилмаларни қоплашини;
- киритилган қўйилмаларга кутилган даромадлилик даражасини беришини;
- компания бозор қиймати ошиши таъминлашини билдиради.

Манфий натижа эса, лойиҳа талаб қилинаётган даромадлилик ставкасига етмаётганлиги ва шунинг учун муқобил вариантлар мавжуд бўлганда яширин харажатларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Равшанки, натижага тахмин қилинаётган даромадлилик даражаси, вақт ичидаги пул оқимлари графиги ва лойиҳага жалб қилинган суммалар нисбати ўз таъсирини кўрсатади. Соф жорий (келтирилган) қийматнинг (NPV) абсолют қиймати иккита параметрга боғлиқ бўлади. Биринчиси – инвестицион жараёни объектив тавсифлайди, у ишлаб чиқариш жараёни билан аниқланади. Иккинчиси - фоиз ставкаси.

Қўйилмалар жараён бошида амалга ошириладиган, қопланиш эса бир текис бўлган вазият учун NPV-нинг r ставкага боғлиқлигини таҳлил қиламиз. Фоиз ставкаси қандайдир r^* қийматига тенг бўлганда, инвестиционлар самараси нолга тенг бўлиб қолади. r^* -дан паст бўлган ҳар қандай фоиз ставкаси

NPV-нинг мусбат қийматига тўғри келади (1-расм). Фоиз ставкасининг юқори даражасида айрим тўловлар NPV-га деярли таъсир кўрсатмайди. [2]



Бир текис қопланишда NPV-нинг r фоиз ставкасига боғлиқлиги

1-расм. Бир текис қопланишда NPV-нинг r фоиз ставкасига боғлиқлиги

Шунинг учун қоплаш муддатлари бўйича турли хил бўлган вариантлар якуний иқтисодий самара кўрсаткичи бўйича бир хил бўлиши мумкин. Табиийки, қолган барча шароитлар бир хил бўлганда, даромад тушумлари даври кўпроқ бўлган лойиҳа устуворликга эга бўлади.

Лойиҳа соф жорий қиймати катталигини аниқловчи асосий омил сифатида, албатта фаолият миқёси (инвестиционлар, ишлаб чиқариш ва қурилиш хизматларининг “жисмоний” ҳажми) хизмат қилади.

Ушбу услубни тавсифлари бўйича фарқланадиган лойиҳалар учун қўллашга табиий чеклаш қўйилган, NPV-нинг катта қиймати ҳар доим ҳам капитал қўйилмаларнинг энг самарали вариантга мос келмайди. Ушбу чеклашни инвестицион лойиҳа пул оқимларини ҳисоблашнинг юқорида тилга олинган муқобил услублари ёрдамида олиб ташлаш мумкин. Бошқа бир томондан, соф жорий қийматдан, танланган даромадлилик ставкасига эришиш мумкинлиги индикатори сифатида фойдаланиш маъқул ҳисобланади. [3]

Бизнинг нуқтаи назаримизда, қурилиш корхоналарида инвестицион лойиҳаларнинг жамият самарадорлигини баҳолаш муаммоси принципиал янги услубиёт ва услублардан фойдаланишни талаб қилади.

Ушбу услубиёт асосини жамият самарадорлиги, яъни ижтимоий-иқтисодий самарадорликни баҳолаш ташкил этади. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган услубият асосига қуйидаги тамойиллар киритилган:

– лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи, инвестицион лойиҳаларни гуруҳлаш ва танлашнинг ягона мезонини қўллаш;

– иқтисодий самарадорлик таркибида, лойиҳани амалга ошириш натижасида бегона тижорат ташкилотларининг даромадлари ўсиши билан боғлиқ йўлдош иқтисодий самарани акс эттирувчи, тўғридан-тўғри ва воситали таркибий қисмларни ажратиш.

Инвестицион лойиҳа ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг асосини ташкил этувчи кўрсаткичларни ҳисоблашнинг қуйидаги услубларини қўллаш билан амалга оширилади:

– лойиҳа томонидан юзага келтирилган пул оқимлари, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни ўлчаш учун алоҳида аниқланади;

– пул оқимларини дисконтлаш ставкасини аниқлаш услублари инвестицион лойиҳанинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ўлчаш учун фарқланади.

Бугунги кунда ҳар бир корхона,фирма,ривожланиши учун албатта қўшимча инвестициялардан фойдаланиш лозим,чунки мамлакатимизда инвестицияларни жалб этиш учун яхши шароитлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. I.O. Karimov, S.O.Ibragimov. Ways to improve the efficiency of investment projects in construction., ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (5), 460-465, 2020.

2. N Yusupdjanova, I Karimov, Investment projects in the field of construction materials production., Theoretical & Applied Science, 18-21, 2020

3. Х.М.Убайдуллаев, М.М.Иноғомоваларнинг «Тураp жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари». Тошкент,2002 й.

4. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси)

PEDAGOGICAL SCIENCE / PEDAGOGIKA

INKLYUZIV TA'LIMNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI

*Panjizoda Hurriyatxon Ziyod qizi Zoxiriy
O'ZMU Ijtimoiy ish kafedrası,
Yoshlar bilan ishlashni tashkil etish, 2 kurs magistiri
Ilmiy rahbar: Latipova Nodira
Sotsiologiya fanlari nomzodi, Professor*

Annotatsiya: Inklyuziv ta’lim asosan umumta’lim maktablarining oddiy sinflarida va o’quvchilar yashash joyiga yaqin bo’lgan umumta’lim maktablarida olib boriladi, ta’limning rasmiy va norasmiy turlarini tashkil etishning ilg’or ish tajribalarini rivojlantiradi.

Annotation: Inclusive education is carried out mainly in ordinary classes of secondary schools and secondary schools close to the place of residence of students, developing advanced work experiences of the organization of formal and informal types of Education.

Аннотация: Инклюзивное образование осуществляется в основном в обычных классах общеобразовательных школ и в общеобразовательных школах, расположенных в непосредственной близости от места проживания учащихся, развивая передовой опыт работы по организации формального и неформального видов образования.

Inklyuziv ta’limni zamon talabiga javob berishini shakllantirish uchun nogiron bolalarni umumta’lim muassasalarida o’qitish uchun davlat tomonidan quyidagi shart-sharoitlarni yaratish lozim:

- nogironlikni erta tashxis qilish;
- mutaxassislar tayyorlash;
- umumta’lim muassasalari binolarini qurishda nogironlar uchun moslashtirilgan barcha shart-sharoitlar (inshoatlar)ni yaratish;
- -korreksion yordamni amalga oshirish uchun rehabilitasiya markazi tarmog’ini ko’paytirish;

- ayrim nogiron bolalarni umumta’lim sharoitida o’qitishni tashkil etish maqsadida umumta’lim pedagoglarini malakasini oshirish, qayta tayyorlash kurslaridan o’tkazish va ularni maxsus yordamchi vasitalar, o’quv metodik adabiyotlar, uslubiy qo’llanmalar bilan ta’minlash, shuningdek maktabda turli dasturlar yordamida ta’limni tashkil etish;
- barcha bolalar uchun ta’lim sharoitini yaratish va ta’lim samaradorligini oshirish;

Prezidentimiz tomonidan “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi qarori qabul qilindi. Qaror bilan 2020-2025-yillarda xalq ta’limi tizimida inklyuziv ta’limni rivojlantirish konsepsiyasi va uni 2020-2021-yillarda amalga oshirish bo’yicha “yo’l xaritasi” tasdiqlandi.

O’quvchilarni kasb-hunarga yo’naltirish va psixologik-pedagogik respublika tashxis markazi qoshida uning belgilangan shtat birliklari doirasida “Inklyuziv ta’lim laboratoriyasi” tashkil etiladi.

Mazkur laboratoriyaning asosiy vazifalaridan biri maktablarda inklyuziv ta’lim uchun shart-sharoitlar yaratish, inklyuziv ta’lim berishning sifati va samaradorligini aniqlash mezonlarini ishlab chiqish hamda ularning bajarilishini nazorat qilish hisoblanadi, deb xabar beradi Adliya vazirligi matbuot xizmati.¹

Hozirgi kunda inklyuziv ta’lim zamonaviy jamiyatda katta istiqbollarga ega bo’lgan maxsus ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarni o’qitishning ilg’or usuli hisoblanadi. Yangi sanoat faol rivojlanmoqda va dunyoda alohida qiziqish uyg’otmoqda. Xorijiy ta’lim tizimida inklyuziya boy tajribaga ega va qonunchilikda konsolidatsiyaga ega. Inklyuziv ta’limga qiziqish yil sayin ortib bormoqda.²

¹ “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-4860, 13.10.2020 y

² Формирование англоязычной терминосистемы инклюзивного образования тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 10.02.04, кандидат филологических наук Киреевкова, Екат

Yoshlarni zamonga mos intellektual inson bo’lib tarbiyalanishida Sharq allomalari va mutafakkirlarni qo’lga kiritgan meroslaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Imom al-Buhoriy teplagan hodislar, Naqshbandiy talimoti, Termiziy o’quvchilar, Yassaviy hukumatlari, Avitsenna, Vorob’yev, Beruniy Mirso Ulug’bek Yusuf Xoves Xojib va boshliqlar yaratgan asarlarida Yoshlar tarbiyasiga Doir qarashlarini olib borishgan. Sharq allomalari va mutafakkirlarning bola ta’limning taraqqiyotidagi qarashlaridan inklyuziv ta’limni amalga oshirishda ham foydalanish mumkin.³

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ–4860, 13.10.2020
2. Формирование англоязычной терминосистемы инклюзивного образования тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 10.02.04, кандидат филологических наук Киреевская, Екатерина
3. Кахарова дилдора сидиковна. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш 13.00.01 – педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. 2019
- 4.

³ Кахарова дилдора сидиковна. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш 13.00.01 – педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. 2019

O‘ZBEKISTONDA YOSHLAR BANDLIGIGA E‘TIBOR

Adashboev Nuriddin Mexriddin o‘g‘li
O‘ZMU, Ijtimoiy ish kafedrası 2 kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Yunusov Alisher Bobomurodovich
Yoshlar muammolarini o‘rganishni tadqiq etish instituti prorektori.
Sotsiologiya fanlari nomzodi, dotsent

Annotatsiya: Mamlakatning ertangi kunini hal qiladigan kuch bu – yoshlardir! Yoshlarga oid davlat siyosati esa jamiyatda yoshlarning barcha huquq va erkinliklari himoya qilinishida, yigit-qizlar manfaatini kafolatlashda bosh mezon hisoblanadi.

Annotation: The power that will decide the tomorrow of the country is the youth! And the state policy on youth is the main criterion in the protection of all rights and freedoms of young people in society, in the guarantee of the interests of young people.

Аннотация: Сила, которая решает завтрашний день страны, – это молодежь! Государственная молодежная политика является главным критерием защиты всех прав и свобод молодежи в обществе, гарантией интересов молодых людей.

Bugun O‘zbekiston aholisining 33 foizini 18 yoshgacha, 24 foizini 18dan 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar tashkil qiladi. Shu nuqtai nazardan mamlakatda ish o‘rinlarini yaratish masalasi juda muhim sanalab, O‘zbekistonning 2017-2021 yillarda rivojlanishining beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga ham kiritilgan. Joriy yilning 1 iyulidan e‘tiboran mamlakatimiz miqyosida “Yoshlar — kelajagimiz” Davlat dasturi amaliyotga tatbiq etiladi. Gap shundaki, Prezidentimiz ushbu Dasturni joriy etishdan ko‘zlangan maqsad, uning ahamiyati va maqsadiga oid yana bir tarixiy hujjatga — “Yoshlar — kelajagimiz” Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmonga imzo chekdi.⁴

2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha belgilangan Harakatlar strategiyasida aholi bandligi masalasi muhim ijtimoiy tarmoqlardan biri sifatida qayd etilib, unda, eng avvalo, o‘rta maxsus va oliy o‘quv muassasalari bitiruvchilari bandligini ta‘minlash alohida ta‘kidlangan.

⁴ <https://mehnat.uz/>

Mazkur vazifani samarali amalga oshirish hamda shu orqali yoshlarni munosib ish o‘rinlari bilan ta'minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi O‘zbekistondagi BMT Taraqqiyot dasturi bilan hamkorlikda **“O‘zbekistonda yoshlar bandligiga ko‘maklashish”** loyihasini ishga tushirmoqda.

2019-2021-yillarga mo‘ljallangan ushbu loyiha uch asosiy yo‘nalishda amalga oshiriladi:

- 1.Mehnat bozoridagi faol siyosat orqali yoshlar bandligiga ko‘maklashish va qo‘llab-quvvatlash.
- 2.Yoshlar tadbirkorligi va biznes-startaplarini rivojlantirish.
- 3.Yoshlar bandligiga ko‘maklashishda ko‘rsatiladigan xizmatlar yuzasidan O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi imkoniyatlarini kengaytirish.⁵

Loyiha orqali kelgusida yanada sifatli mexanizmlar asosida tashkil etiladigan bo‘sh ish o‘rinlari yarmarkasiga yoshlarni kengroq jalb qilish, vakansiyalar va ishga qabul qilish haqidagi e’lonlar joylashtiriladigan va yoshlar tomonidan faol qo‘llaniladigan zamonaviy mobil ilovani ishlab chiqish, kasbiy rivojlantirish markazlarida o‘qiydigan yoshlar sonini oshirish, yoshlar bandligini ta'minlashga qaratilgan startaplarni qo‘llab-quvvatlash va yuzaga chiqarish, xalqaro standartlarga muvofiq yoshlar o‘rtasidagi ishsizlik darajasini belgilash bo‘yicha metodologiya va tavsiyalarni ishlab chiqish rejalashtirilgan.⁶

Darvoqe, yana bir yangilik. Endilikda respublikamizning har bir tumanida Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish komissiyalari faoliyat ko‘rsatadi. Komissiyalarning rahbarlari tuman prokurori hisoblanib, tumanlar hokimlarining

⁵ Bandlik sohasida davlat siyosatini yanada takomillashtirish va mehnat organlari faoliyati samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida o‘zbekiston respublikasi prezidentining farmoni Toshkent sh.,2017-yil 24-may,PF-5052-son

⁶ <https://www.uz.undp.org/>

hamda ichki ishlar idoralarining yoshlar bilan ishlash bo‘yicha o‘rinbosarlari hamda yoshlar ittifoqi bo‘linmalari rahbarlari unga a‘zo sanaladi.

Muxtasar aytganda, qabul qilingan hujjatning asosiy maqsadi yoshlarga, tayyor baliq berishni emas, balki baliq tutadigan, lozim bo‘lganda, qarmoqniyam qo‘shqo‘llab tutqazadigan ish tutumini joriy etishdan iboratdir. “Bilmaydimi o‘rgatamiz, xohishi bormi sharoit yaratamiz, xohishi ham, uquvi ham bor, lekin sarmoyasi yetmayaptimi, uniyam beramiz” qabilidagi yangi tartib joriy qilinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Bandlik sohasida davlat siyosatini yanada takomillashtirish va mehnat organlari faoliyati samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida o‘zbekiston respublikasi prezidentining farmoni Toshkent sh., 2017-yil 24-may, PF-5052-son

2. <https://www.uz.undp.org/>

3. <https://mehnat.uz/>

PHILOLOGICAL SCIENCES / FILOLOGIYA FANLARI

EASY WAYS TO TEACH ENGLISH TO CHILDREN

Raisov Shamsiddin Rashid o'g'li

Urgench State University Foreign language and literature department 3rd year

Phone: +998937919807; +998901535310

Gmail: bekovulugbek57@gmail.com

Annotation: This article provides information on how to teach English to children quickly and easily, how to memorize words.

Keywords: game, story telling, art, children, fun, psychologist, foreign language

Аннотация: В этой статье содержится информация о том, как быстро и легко научить детей английскому языку, как запомнить слова

Ключевые слова: игра, повествование, искусство, веселье, дети, психология, иностранный язык

After gaining independence, our country pays great attention to the study of foreign languages. In particular, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2012 "On further improving the system of learning foreign languages" and the continuous teaching of foreign languages in the first grades of secondary schools from the 2013-2014 academic year. The introduction of teaching is proof of this.

Today, not only school, lyceum, college and university students, but also preschoolers and employees working in various fields are taught a foreign language, in particular, English. There is a reason for this, of course. The study of the languages of economically, scientifically and culturally developed countries is a key factor in achieving the achievements of world science and development. Language learning also depends on the age. According to psychologists, children learn language faster and easier than adults. The natural tendency of children to learn a language, the fact that they have a strong ability to imitate, and the fact that children have more time than adults are the main reasons for this. It should be noted that 67-year-olds do not understand the meaning of information, but memorize it

mechanically. Therefore, it is important not to start by giving elementary students an understanding of English grammar. Otherwise, from the very beginning of foreign language teaching, it is possible to strain the child and extinguish his interest. Therefore, teaching foreign languages to young children is much more difficult and responsible. The following methods can be used to teach children meaningful and interesting English:

- teaching through story telling, games and songs. All English teachers who teach English to children face a big problem and that is maintaining learners' interest throughout the lessons. Teachers should always be creative in the techniques they use. One interesting and funny way of maintaining learners' motivation and interests is the use of story telling, games and songs in English. Story telling, games and songs have a great impact on the learner firstly because they present themes which are interesting for them, and secondly because they have a major input, and they are able to express what they want using what they were exposed to.

GAMES: Children love games. Therefore it is important to include these as much as possible in the class. In doing this, the teacher will be able to let words sink in easier. Often they can include games such Hang Man, Pictionary and much more.

STORY TELLING: This is another effective technique. All children love story time. Find a simple fairy tale to tell the children, or make one up yourself. Afterwards, ask questions by putting the characters in different situations (Matuna's grandmother is ill, what should Matuna do?). This way, kids can come up with their own answers. Effectively, you will be able to get the children to write their own stories. This can be incredibly beneficial in terms of their production skills.

- games related to mental and physical movements. For example, while learning a language, children try to understand the words they use through the actions of cartoon characters, even if they do not understand the words in the cartoon. This is an effective way for language learning.

- creating a thematic environment. If the teacher can create that environment depending on the topic, the children will learn the language well. For example: traveling, birthday, in the kitchen, etc. Information about the teacher's organization of travel, how to travel (foot, bicycle, automobile, train, boat, airplane), where to travel (Tashkent, Surkhandarya, Khorezm, England, USA) It enhances students' vocabulary, language skills, and worldview.

- include art in your class. Kids love to make colorful and exciting things in the classroom. Pablo Picasso observed that “every child is an artist.” Take advantage of that inborn quality and use art to teach your young students the English language. Of course you can talk about obvious things like colors and shapes when you use art, but creative projects have so much more potential. Cultural Traditions: Invite your students to make an art project based on different cultural traditions. Then talk about that culture as well as their own - either as you make the project or once it is finished. Since kids are more concrete than adults, so having a piece of art in front of them will help them make connections to culture, which is a super abstract topic for kids.

- make it fun. Fun, fun, fun! This is one factor that really matters to kids. And that goes for kids on the playground as well as those in the classroom. I’ll never forget what my nephew said after his first day of kindergarten: “We didn’t learn anything. We just played!” And though I’m sure his class contained some academics, they were hidden well beneath a thick layer of fun. Some educators believe that kids learn best through play. And what is true of English-speaking children, in this case, will also be true of your English-learning students. Here are some ways you can make learning more fun with your students.

- through news. We know kids are curious. They get bored quickly of uniformity. Therefore, they should not always be taught using the same methods, but should be taught by changing and updating such methods. Otherwise, the children will understand what the teacher is teaching and prepare for it. Teaching by updating methods increases children’s aspirations.

In short, teaching language to young children should be conducted as a fun activity, not as an obligation, and teaching using several effective methods can serve as a foundation for their future knowledge. The importance of learning foreign languages should be properly explained to children through natural conditions. For example, the great thinker Abu Nasr al-Farabi was fluent in many foreign languages, was able to speak them fluently and wrote in these languages. Such an opportunity motivated the scientist to study world science and do great things. After all, as our ancestor Navoi said, "A man who knows the language knows.

REFERENCE:

1. Ikhfi Imaniah, M.Pd , Nargis, M.Hum “ TEACHING ENGLISH FOR YOUNG LEARNERS “First Edition, Printed 1, October 2017
2. HOW TO TEACH YOUNG LEARNERS (JOURNAL) .
3. <https://www.fluentu.com/blog/educator-english/how-to-teach-english-to-children/>

ECONOMIC SCIENCES / IQTISOD FANLARI

MEXNAT BOZORI RIVOJLANISHIGA XIZMAT QILUVCHI ZAMONAVIY INFRATUZILMALAR

*Adashboev Nuriddin Mexriddin o'g'li
O'ZMU, Ijtimoiy ish kafedrası 2 kurs magistranti
Ilmiy rahbar: Yunusov Alisher Bobomurodovich
Yoshlar muammolarini o'rganishni tadqiq etish instituti prorektori.
Sotsiologiya fanlari nomzodi, dotsent*

Annotatsiya: Zamonaviy bozor iqtisodiyotini shakllantirish sharoitida yetishib chiqayotgan kadrlarni oz egallagan soxalari bo'yicha bandligini ta'minlashda qator muammolar kuzatilmoqda. Shuningdek, qayd etish lozimki, intellektual va mexnat resurslari saloxiyatidan samarali foydalanish bilan boglik bo'lgan muammolar xam vujudga kelmokda. Mazkur muammolarni xal qilish orqali kadrlar bandligini yangicha zamonaviy usulda ta'minlash xamda ijtimoiy muxofaza qilish va mexnat bozori munosabatlarini samarali oshirish zaruriyati yuzaga keldi.

Annotation: A number of problems are observed in the formation of the modern market economy in the provision of employment for poorly-trained personnel. It should also be noted that the problems associated with the effective use of intellektual and cocktail resources salutations are both occurring. By correcting these problems, it became necessary to ensure the employment of personnel in a new modern way, as well as to ensure social protection and effectively increase the relations of the cocktail market.

Аннотация: В условиях формирования современной рыночной экономики наблюдается ряд проблем в обеспечении занятости подрастающих кадров в малозаселенных сферах. Следует также отметить, что возникают проблемы, связанные с эффективным использованием потенциала интеллектуальных и интеллектуальных ресурсов. Путем решения этих проблем возникла необходимость обеспечения занятости кадров на новом современном уровне и эффективного повышения социальной защиты и отношений на рынке коктейлей.

Mehnat bozorini to'liq ishlashi uchun rivojlangan infratuzilmani shakllantirish lozim. Mehnat bozori faoliyat ko'rsatishining sifat ko'rsatkichlarini eng muhim mezoni uning infratuzilmasining rivojlanish darajasidir. Infratuzilma iqtisodiyotda turli xo'jalik tizimlari va bu tizimlardagi asosiy subyektlar o'rtasida faol o'zaro aloqadorlikni ta'minlash uchun shart-sharoit yaratishi zarur.

Mehnat bozori infratuzilmasining mohiyatini yoritib berishda ko’pgina ilmiy adabiyotlarda mehnat bozori infratuzilmasi ish bilan bandlikka ko’maklashuvchi davlat va nodavlat muassasalar tizimini, korxonalar va firmalarning kadrlarga xizmat ko’rsatish bo’limlarini, jamoat tashkilotlari va jamg’armalarini, mehnat bozorida talab va taklif o’rtasidagi samarali o’zaro aloqadorlikni ta’minlashni o’z ichiga oluvchi mehnat bozori tarkibiy qismi sifatida ifodalanadi.⁷

Ko’pincha mehnat bozori infratuzilmasi tushunchasi uning tarkibiga kiruvchi obyektlar va ularning funksional vazifalarini ifodalaydi. Masalan, “mehnat bozori infratuzilmasi – mehnat va ijtimoiy himoya qilishda odamlar huquqlarini amalga oshirish, ishchi kuchiga talab va taklif o’rtasida bozor muvozanatiga erishishning eng samarali yo’lini ta’minlaydigan, ular faoliyatining yagona normativ-huquqiy muhitini o’z ichiga oluvchi ish bilan bandlikka ko’maklashuvchi jami tashkilotlar va institutlar hisoblanadi”.⁸

Mehnat bozori infratuzilmasi – bu ish bilan bandlikka ko’maklashuvchi davlat va nodavlat xizmatlarni, korxonalar va firmalardagi kadrlar bo’limlarini, jamoat tashkilotlari va jamg’armalarini, ishchi kuchini talab va taklif qilish o’rtasidagi nisbatlarni bevosita tartibga soluvchi va o’zaro hamkorlikni ta’minlovchi normativ-huquqiy, moliyaviy-iqtisodiy va axborot mexanizmlari muhitini o’z ichiga oluvchi mehnat bozorining tarkibiy qismidir.

Mehnat bozori infratuzilmasi institutlar tizimi sifatida, davlat va nodavlat ish bilan bandlikka ko’maklashuvchi tuzilmalar va mexanizmlar, mehnat bozori shakllanishi va rivojlanishi uchun huquqiy, moliyaviy va iqtisodiy jihatdan tartibga solishda qulay shart-sharoitlarni ta’minlaydi.⁹

Ma’lumki, samarali ish bilan bandlikni ta’minlash mehnat bozorining bosh ijtimoiy-iqtisodiy funksiyasi hisoblanadi. Mehnat bozori infratuzilmasi bu funksiyani bajarilishini ta’minlaydi, shunday ekan, mehnat bozori infratuzilmasining

⁷ N.Arabov. Mehnat bozori infratuzilmasi rivojlanishining ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati va tamoyillari

⁸ Abdug’aniyev A., To’lametova Z. O’zbekistonning mehnat salohiyati. T. : “Mehnat”, 2000.

⁹ Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti (darslik). -T.: - “Mehnat” - 2009. 117-118 b.

muvaffaqiyatli shakllanishi va rivojlanishi mezoni sifatida ishchi kuchiga talab va taklif o’rtasidagi muvozanatni ta’minlash hisoblanadi.

Xulosa tarzida qayd etish lozimki, birinchidan, ish bilan band Bo’lganlar sonining kamayishi, iqtisodiyot tarmoqdarida ish bilan bandlik tarkibining jiddiy ravishda o’zgarishi, ish bilan norasmiy bandlik ko’lamlarining kengayishida o’z ifodasini topadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. N.Arabov. Mehnat bozori infratuzilmasi rivojlanishining ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati va tamoyillari T. : “Mehnat”, 2000.
2. Abdug’aniyev A., To’lametova Z. O’zbekistonning mehnat salohiyati. T. : “Mehnat”, 2000.
3. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti (darslik). -T.: - “Mehnat” - 2009. 117-118 b.

“Uchinchi renessans: ilm-fan va ta’lim taraqqiyoti istiqbollari”. Ilmiy maqolalar to’plami. Uzbekistan: www.oriens.uz. 2021. - 51 b.

ISSN 2181-1784

Ushbu ilmiy maqolalar to’plami Internet jahon axborot tarmog‘idagi veb-sayt tarzidagi ommaviy axborot vositasi hisoblangan **“Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences”** ilmiy jurnalining Tahririyatiga tegishli bo‘lib, bunda jahon ilm-fani va ta’lim sohalarining yutuqlari, muammolari va rivojlanish istiqbollari, xususan, O‘zbekistonda “Uchinchi renessans” davri innovatsion ilm-fan va ta’limning rivojlanish modellari, ilm-fan va ta’limning rivojlanish tarixi va o‘ziga xos rivojlanish bosqichlarini “Uchinchi renessans: ilm-fan va ta’lim taraqqiyoti istiqbollari” mavzusida 1-sonli ko‘p tarmoqli, ilmiy onlayn konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

Mas’ul muharrir:
falsafa fanlari nomzodi, dotsent M. Qodirov

Taqrizchilar:
Risboev Abdurashit Sarboevich
Uzakov Gulom Norboevich
Abdullayev Ulug‘bek Artikovich
Xolmo‘minov Ja’far Muhammadievich
Ro‘zmatova Gulnoza Mirahrarovna
Nurmatov Sirojiddin Sultanmurotovich
Xojaev Azizxon Saidaloxonovich

Ilmiy kotiblar:
J.B. Sulaymonov, SH.N. Pulatov, M.N. Mamatqulova

Musahih:
Sh.S. Jurayev